



ДАВЛАТ ФИСКАЛ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Асатуллаев Хуршид Сунатуллаевич

Тошкент молия институти

"Иқтисодиёт" кафедраси мудири, и.ф.н., профессор

ORCID:0000-0001-7725-4197

IMPROVING THE EFFECT OF GOVERMENT FISCAL (BUDGET-TAX) POLICY ON ECONOMIC GROWTH

Asatullaev Khurshid Sunatullaevich

Head of the Department of "Economics" of the
Tashkent Financial Institute, Ph.D., professor

ORCID:0000-0001-7725-4197

JELClassification: H3, H32

Аннотация: Дунёдаги зиддиятли ҳолатлар ва жаҳон хўжалигидағи таркибий ўзгаришиларга учраётган бир даврда мамлакатда иқтисодий ўсиши барқарорлигини таъминлашда давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади. Жамият иқтисодий тараққиётига ва иқтисодий ўсишга эришишида замон зайлуга мос равишда давлат фискал (бюджет-солик) сиёсатининг устувор йўналишларини тадқиқ этиши долзарб мавзулардан бири саналади. Замонавий фискал (бюджет-солик) сиёсати давлат молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиши орқали иқтисодий фаолликни оширишига ва иқтисодиётдаги нохуши ҳолатларни баратараф этишига қаратилган бўлади. Унинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилган иқтисодий цикл тебранишиларини ва инфляцияни жиловлаши ҳамда юқори бандлик даражасига эришиши ҳисобланади. Мақолада давлат фискал (бюджет-солик) сиёсатининг иқтисодий дастакларидан оқилона фойдаланиши орқали иқтисодий ўсишини таъминлашга

қаратилган илмий амалий таҳлилар ва хуносалар берилган.

Abstract: In a period of conflict situations in the world and structural changes in the world economy, ensuring the stability of economic growth in the country requires the development of a reasonable economic policy of the state. In order to achieve the economic development and economic growth of the society, the research of the priorities of the government fiscal (budget-tax) policy in accordance with the times is considered one of the urgent topics. Modern fiscal (budget-tax) policy is aimed at increasing economic activity and eliminating unpleasant situations in the economy through the rational use of state financial resources. Its main goal is to curb economic cycle fluctuations and inflation aimed at ensuring sustainable economic growth and achieving a high level of employment. The article provides scientific and practical analyzes and conclusions aimed at ensuring economic growth through the rational use of the economic levers of the government fiscal (budget-tax) policy.

Таянч сўзлар: Иқтисодий ўсиши, давлат фискал (бюджет-солик) сиёсати, бандлик, молия, давлат бюджети, давлат

бюджети харажатлари, давлат бюджети даромадлари, бюджет тақчиллиги, иқтисодий цикл, солиқлар, солиқ имтиёзлари.

Keywords: *Economic growth, government fiscal (budget-tax) policy, employment, finance, state budget, state budget expenditures, state budget revenues, budget deficit, economic cycle, taxes, tax benefits.*

Кириш. Жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган глобал иқтисодий инқизорзининг ҳануз давом этатганини “Ер юзида иқлиминг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар” шароитида Ўзбекистон Республикасида миллый иқтисодиётини янада мустаҳкамлашда ҳамда юзага чиқаётган иқтисодий муаммоларни баратараф этишда самарали давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини амалга ошириш бугунги кун талабларидан бири эканлигини яна бир бор реал амалий хаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Маълумки, дунё иқтисодиётида глобал иқтисодий ўсиш 2023 йилда 1,7 фоизгача секинлашиши прогноз қилинмоқда, бу сўнгти 30 йилдаги энг секин кўрсаткичлардан бири бўлиб, фақат 2009 ва 2020 йиллардаги глобал инқизор даврида ортда қолмоқда. Ушбу пасайиш қисман юқори инфляцияга қарши курашиш учун монетар сиёсатнинг қаттиқлашиши билан боғлиқ бўлиб, бу инфляциянинг ўсиши, пул курсининг кескинлашуви ёки молиявий тартибсизликлар каби салбий зарбалар глобал иқтисодиётни таназзулга олиб келиши мумкин. Бундай глобал инқизор ва қарз инқизори хавфини камайтириш учун шошилинч чоралар кўриш керак. Бундан ташқари, ҳукуматлар аҳолининг заиф қатламларига ёрдам кўрсатилишини, инфляция кутилмалари барқарор

бўлишини ва молиявий тизимларнинг барқарорлигини таъминлаши керак[1].

Юқорида зикр этилган ҳолатлар мамлакатимизда чуқур таркибий ўзгаришларни олиб боришни ҳамда самарали иқтисодий сиёсатни юритишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, мамлакатимизда давлат бюджет-солиқ сиёсатининг оқилона олиб борилиши натижасида “Кенг кўламли ва самарали ислоҳотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди. Шунингдек, бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш, жумладан, жорий йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас[2].

Дунё иқтисодиётида кузатилаётган зиддиятли бир даврда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини республикамида иқтисодий цикл фаза тебранишларига мос равища босқичмабосқич амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу муносабатдан иқтисодиётдаги тебранишларга мос равища иқтисодий ўсишга таъсир этувчи давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати дастак ва воситаларини чуқур тахлил қилиш ҳамда илмий жиҳатдан асослаш мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Шунингдек, давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг самарали

юритилишига ва келгусида унинг самарадорлигига таъсир этувчи устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини берадиган янги жиҳатларини тадқиқ этиш анча муҳим масалалар сирасига киради.

Материал ва метод. Маълумки, жаҳонда ҳануз рўй бераётган таҳликали хавф сураётган иқтисодий инқизоз ва замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат фискал (бюджет-солик) сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган жиҳатларини кенг тадқиқ этилган.

Иқтисодий фан тарихида классик иқтисодий мактабига муқобил равишда англиялик иқтисодчи олим Ж.М.Кейнс ўзининг дунёга машҳур бўлган “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” асарида замонавий бозор иқтисодиёти иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қодир эмас, барқарор иқтисодий ўсишни ва ахолини тўлиқ бандлигини таъминлаш учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарур, деб кўрсатади. Давлат томонидан тартибга солиш воситаларидан бири бу давлат даромадлари ва харажатларини ўзгартириш орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатадиган фискал сиёсатdir. Ўз навбатида, давлат харажатларини амалга ошириш давлат бюджети даромадлари ҳисобидан шакллантирилади, уларнинг шаклланиши ва тўлдирилишининг асосий манбай эса солиқлардир. Ж.Кейнснинг фикрича, солиқлар бозор иқтисодиётини тартибга соловчи энг муҳим дастак бўлиб ҳисобланади.

Гарвард иқтисодиёт мактаби вакили П. Самуэльсон фискал сиёсатни куйидагича талқин қиласи, унинг фикрича, фискал сиёсат давлат солиқка тортиш ва давлат харажатларини ўрнатиши жараёнида иқтисодиёт цикл

тебранишларини юмшатишга ҳамда ҳаддан ташқари юқори инфляция ва дефляциядан суръатларидан холи бўлган юқори бандлик иқтисодиётини эришига ёрдам бериши керак. Шунингдек давлат харажатлари ва солиқларга боғлиқ бўлган фискал сиёсатнинг мақсади пул кредит сиёсати билан уйғун ҳолда иқтисодиётда юқори бандликни ҳамда нархларнинг инфляцияга боғлиқ бўлмаган ҳолат жараёнини таъминлаш асосий мақсадидир[3].

С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензилар фискал сиёсатни давлат товар ва хизматларга бўлган хариди, жумладан харажатлари ёки сотишига бўлган солиқларни қисқартириш орқали таъсир этувчи миллий иқтисодиётни барқарорлаштирувчи дастак сифатида эътироф этади. Барча юкорида кўрсатилган сиёсат чора тадбирлари ялпи талабга таъсир кўрсатади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига олиб келади. Таъкидлаш ўринлики, албатта бундай ўсиш суръатлари олиб борилаётган сиёсат таркибининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, фискал сиёсат ялпи давлат харажатлари ва солиққа тортиш даражасига ва ўз навбатида умумий давлат даромадлар даражасига, маҳсулот ишлаб чиқаришга ва албатта давлат миллий иқтисодиётини барақарорлаштиришга қаратилади[4].

Фискал сиёсатнинг мазмунига бўлган назарий қарашлар анаънавий Кейнсчилик қарашларини МДҲ иқтисодчи олимларидан Т.А.Агапов, С.Ф.Серегинлар кўллаб қувватлашади. Улар бюджет-солик сиёсати ва фискал сиёсат ҳукуматнинг давлат бюджети харажатлари ва солиқларни ўзгартириш орқали тўлиқ бандликни таъминлаш, тўлов балансини мувозанатлигига эришиш ҳамда инфляцион бўлмаган ялпи

ички маҳсулот ишлаб чиқаришида иқтисодий ўсиши таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар” деб тушунадилар[5].

Махаллий иқтисодчи олимларимиздан Т.С.Маликов “бюджет-солиқ сиёсатининг “старт” оладиган “жойи” ёки “таянч нуқта”си молиявий сиёсатдир, бюджет-солиқ сиёсатининг макроиктисодий сиёсатдаги ўрни умумий молиявий сиёсатнинг доираси билан белгиланади (амалга оширилади), деган мантиқий хulosанинг чиқиб келиши, табиий” деб кўрсатади[6].

Натижалар. Дастлаб замонавий бюджет сиёсати бўйича боғлик бўлган тадқиқотлар Британиялик иқтисодчи олим Жон Мейнард Кейнс томонидан Буюк депрессия даврида амалга оширилган. Шунинг учун мазкур соҳада кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада мазкур сиёсат назарияда кейнсчилик номи билан боғланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида давлат иқтисодий сиёсатида иқтисодий цикл тебранишларини юмшатишда айнан кейнсчилик назариясидан амалий фойдаланишган. Айрим иқтисодчи олимлар хulosаларига кўра, сиёсий кечикишлар фискал сиёсатни ўз вақтида амалга оширмаслиги мумкин, бу ўз навбатида пул-кредит сиёсатини шу вақтда юритиш ижобий натижага эришиш имконини беради. Бошқалар эса фискал сиёсатга унчалик эътибор қаратишмади, чунки очик иқтисодиёт шароитида мазкур сиёсат кам самарали ҳисобланди. Шу билан бирга, анъанавий пул-кредит сиёсати яхши ишламаётган (масалан, жуда паст фоиз ставкалари) ёки пул ва молиявий чораларни кафолатлаш учун қисқариш етарли даражада жиддий кўринадиган ҳолатлар мавжуд. 2007-2009 йиллардаги Буюк рецессия даврида Буш ва Обаманинг маъмурияти У.Жорж

остида ҳам фискал рағбатлар жорий этилган[7].

2020 йилда қузатилган глобал пандемия даврида унга қарши АҚШ ҳукумати 5 та қонун ишлаб чиқди, мазкур қонунларнинг асосий жиҳати 2021 молия йилида пандемия юзасидан келиб чиқкан ишсизликни қисқартиришга йўналтирилган давлат бюджетидан жами 3,4 трлн. ва 2020-2030 молия йилига эса 3,3 трлн. долларлик маблағ йўналтириш режалаштирилди[8].

Учинчи қонун эса асосан коронавирус касалланишини бартараф этишга ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича иқтисодий фаолликни таъминлашда самарали фискал сиёсатни юритиш ва кредит ташкилотларини 2020-2030 молия йилида қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ҳақини химоя қилиш дастурини ижросини таъминлашга 349 млрд.долларлик ва бошқа дастурлар ижросини амалга ошириш учун 268 млрд.долларлик маблағ ажратилди[9]. Юридик шахсларга солинадиган тўғридан-тўғри тўловлар, шунингдек кичик бизнесни қўшимча кредитлаш ва уларга имкониятлар яратишга давлат бюджетидан 377 млрд.долларлик маблағ ажратилди.

Кўпгина мамлакатлар иқтисодий пандемия даврида кичик бизнес ва уй хўжаликлари учун қўшимча молиявий ёрдамлар кўрсатилди. 2020 йил октябрь ойида давлат томонидан молиявий назорат ўтказилиб вақтинчалик янги фискал чора-тадбирлар амалга оширилди. Буларга Австралия, Канада, Франция, Германия, Хиндистон, Индонезия, Япония, Испания, Буюк Қироллик, АҚШларини киритишимиз мумкин. Европа худудидаги давлатлар янги қонунчиликларни ишлаб чиқишиди. 2021 йилда кўпгина мамлакатлар даромадларнинг ўсиши ҳисобига паст

бюджет тақчиллиги кузатилиши таъкидланган. Пандемия билан боғлиқ бўлган иқтисодиётни тиклашга қаратилган вақтинчалик чора-тадбирлар натижасида харажатлар автоматик равишда қисқаришига олиб келган. Лекин, 2021 йилга мўлжалланган бюджет режасига асосланган қўшимча бюджет сиёсатисиз амалга ошириш мумкин эмас. Шунингдек, 2021 йил учун бюджет режаларига қўшимча равишда, бу йил прогноз қилинган бюджет қисқартиришлари тикланиш даражасини пасайтириши мумкин, унинг тезлиги ва миқдори ноаниклигича қолмоқда. Юқори даражадаги қарзни, валюта хатарларини ва катта камомадни сақлаб қолган тақдирда рейтингларнинг пасайиши ва салбий бозор реакциясини акс эттирувчи кўплаб ривожланаётган мамлакатлар 2021 йилда бюджет сиёсатини кучайтиридилар.

Агар республикамизнинг 2000-2022 йиллар оралиғидаги давлат бюджети сарф-харажатлари ва даромадларини тахлил қиласдан, давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг ўзгариши реал ЯИМнинг ўсиш

суръатлари билан мутаносиб равиша ўзгариш тенденциясига эга бўлган. 2000 йилда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 28,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб эса, 22,7 фоизга пасайган. Худди шу тарзда давлат бюджети харажатлари 2000 йилда ЯИМга нисбатан 29,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 26,6 фоизга камайган.

Мамлакатимизда реал ЯИМнинг ўсиш суръатларини тахлил қиласдан, 2000-2022 йиллардаги энг паст тенденция 2000, 2020 йилларда кузатилган. 2020 йилда эса мазкур кўрсаткич иқтисодий пандемия ҳолатига қарамасдан 1,6 фоизга ўсиши таъминланган. Реал ЯИМнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2010, 2015 ва 2016 йилларда кузатилган, бунда ўсиш суръати ўртacha 8,0 фоизлик даражани ташкил этган. Шунга мос равиша давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан ўртacha 21,0 фоизлик, давлат бюджети харажатлари эса ЯИМга нисбатан қарийиб 21,0 фоизлик даражаларни ташкил этган (2-Расм).



2-расм. 2000-2022 йилларда реал ЯИМ ўсиш суръатлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида) [10]

Кўпгина мамлакатлар иқтисодий пандемия даврида кичик бизнес ва уй хўжаликлари учун қўшимча молиявий ёрдамлар кўрсатилди. 2020 йил октябрь


ойида давлат томонидан молиявий назорат ўтказилиб вақтинчалик янги фискал чора-тадбирлар амалга оширилди. Буларга Австралия, Канада, Франция,

Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Япония, Испания, Буюк Қироллик, АҚШларини киритишимиз мумкин. Европа худудидаги давлатлар янги қонунчиликларни ишлаб чиқишиди. 2021 йилда кўпгина мамлакатлар даромадларнинг ўсиши ҳисобига паст бюджет тақчиллиги кузатилди. Пандемия билан боғлиқ бўлган иқтисодиётни тиклашга қаратилган вақтинчалик чоратадбирлар натижасида харажатлар автоматик равишда қисқаришига олиб келди. Шунингдек, 2021 йил бюджет қисқартиришлари тикланиш даражасини пасайтириши мумкин, унинг тезлиги ва миқдори ноаниқлигича қолмоқда. Юқори даражадаги қарзни, валюта хатарларини ва катта камомадни сақлаб қолган тақдирда рейтингларнинг пасайиши ва салбий бозор реакциясини акс эттирувчи кўплаб ривожланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар 2021 йилда бюджет сиёсатини кучайтириши кутилмоқда.

Бюджет тақчиллиги мамлакат иқтисодий ҳолатини кўрсатиб берувчи асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Унинг ўзгариш тенденцияси бир томондан давлат қарзи ва иқтисодий ўсиш салмоғига таъсир қилса, иккинчи томондан давлат томонидан истиқболда режалаштирилган мақсадларни амалга ошириш учун белгиланган стратегияга таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт назариясида бюджет тақчиллигини икки турини алоҳида ажратиб кўрсатилади, булар: доимий тақчиллик (permanent deficit) ва муддатли тақчиллик (temporary deficit). Хориж иқтисодчи олимларидан Макконнелл К.Б. ва Брю С.Л.лар ана шу икки турига алоҳида эътиборларини қаратишади[11].

Хорижлик Гарвард университетининг иқтисод профессори иқтисодчи олим Г.Н.Мэнкью фискал сиёсат таъсирчанлигидаги ўзгаришларни кузатиш учун энг аввало циклик тавсифдаги тартибланган бюджет тақчиллигини (cyclically adjusted budget deficit) кузатишни таклиф этади[12]. Массачути технология университети иқтисодиёт бўйича иқтисодчи олим профессорлар С. Фишер, Р. Дорнбуш ва Р. Шмалензилар амалдаги бюджет тақчиллиги ва тўлиқ бандлик шароитидаги бюджет тақчиллигини ўрганиб бюджет-солиқ сиёсати дастак ва воситалари қўлланилгандан сўнг унинг айниқса даромадлар ўзгаришига таъсири ҳамда самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Тахлил натижаларининг янада аниқлигини таъминлаш максадида ялпи (total deficit) ва дастлабки бюджет (primary deficit) тақчиллиги тахлилига эътибор қаратилади. [13]

Бошқа бир МДХ иқтисодчи олимларидан Чепурин М.Н. ва Киселева Е.А. лар иқтисодий фаолликнинг турли фаза босқичларида харажатларнинг даромадлардан ошиб кетишини тахлил қилишни таклиф қилишади. Улар иқтисодий фаолликни пасайиши натижасида давлат даромадларининг қисқариши туфайли юзага келадиган бюджет тақчиллигини фаол ва пассив турларини ажратишади[14]. Бошқа бир гурух иқтисодчи олимлар В.Я.Иохин, Г.А.Маховиков, Г.М.Гукасъянлар номинал ва реал бюджет тақчиллигини илмий тадқиқотларида қараб чиқишади[15].




2-Расм. ХВФ прогнози кўра давлат бюджети тақчиллигининг ЯИМга нисбатан фоизда[16]

Глобал фискал ва монетар жавоб чораларининг кўрсаткичларидан бири сифатида Халқаро валюта фонди жамғармаси томонидан 2020 йилда иқтисодий ўсишга эришиш мақсадидаги давлат харажатлари ва даромадлари 5,4 триллион долларни ташкил этди, кредитлар, капитал, кафолатлар ва яна бошқалар учун 5,4 триллион доллар ҳамда жами 10,8 триллион доллар ажратилди. Бутун дунё бўйлаб хукуматларни қарз олиш 2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 3,9% дан 2020 йилда 12,7% гача ўсиб борди. Бошқа ҳисоб-китобларга кўра, Марказий банклар ўз иқтисодларини пандемиянинг иқтисодий оқибатларига қарши курашиш учун қўллаб-қувватлаш учун 17 триллион долларлик маблағ ажратилди. Ривожланган мамлакатларда

бюджет камомадининг ЯИМга нисбати 2019 йилда 3,3% дан 2020 йилда 14,4% гача ўсиши прогноз қилинмоқда; Америка кўшма Штатлари учун бу кўрсаткич 6,3% дан 18,7% гача ўсиши прогноз қилинмоқда, бу ҳар қандай мамлакат ёки минтақа учун энг юқори кўрсаткичdir.

ХВФ маълумотларига кўра Франция, Германия, Италия, Япония ва Бирлашган Қироллик йиллик ЯИМнинг 10 фоизи даражасидаги давлат секторини қўллаб-қувватлаш бўйича чораларини амалга оширди. Тарақкий этган мамлакатлар прогнозига кўра, бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 4,9 фоиздан уларнинг қарз юкини оширувчи 10,7 фоизли даражага кўтарилиши мумкин.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси 2000-2022 йилларда давлат бюджет тақчиллигининг ўзгариш тенденцияси[17]

2-расм маълумотларига эътиборимизни қратадиган бўлсак, 2000-2022 йиллар оралиғида давлат бюджет тақчиллиги 2000, 2018-2022 йилларда кузатилган. Энг юқори тақчиллик эса 2022 йилда мос равища 3,9 фоизлик даражада бўлган. 2020-2021 йилларда COVID-19 пандемиясига қарши курашиб шароитида хукумат бюджет харажатларини тасдиқланган параметрларга нисбатан оширди. Натижада, 2021 йил якуни бўйича Консолидациялашган бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 5,8 %ни ташкил этди. Ўрта муддатдаги истиқболда давлат молиясининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет тақчиллигини босқичма-босқич камайтириш режалаштирилган. 2022 йилда Консолидациялашган бюджет тақчиллиги 25,5 трлн сўм миқдорида прогноз қилинди (ЯИМга нисбатан 3,0 %). 2023 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг чегаравий миқдорини ЯИМга нисбатан 3% ҳисобида белгилаб берувчи операцион бюджет қоидасини киритиш кўзда тутилган.

2021-2022 йилларда COVID-19 пандемияси ва дунёдаги тез ўзгарувчан

сиёсий ва иқтисодий вазият туфайли юзага келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда Давлат бюджети харажатларини ошириш зарурияти вужудга келди. Дастребаки баҳолашга кўра 2022 йилда харажатларнинг ортиши натижасида консолидациялашган бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 4,0% ни ташкил этди. Давлат бюджетининг ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган прогнози давлат молияси барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда тузилиб, тақчилликни босқичма-босқич камайтиришга қаратилган. 2023 йилда Консолидациялашган бюджет 32,5 трлн. сўм миқдорда тақчиллик билан (ЯИМ нисбатан 3,0 %), 2024-2025 йиллар мўлжалларида мос равища – 33,8 трлн. сўм (ЯИМ нисбатан 2,7 %) ва 31,3 трлн. сўм (ЯИМ нисбатан 2,2 %) миқдорида прогноз қилинмоқда[18].

Мунозара. Иқтисодиёт тарихида давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати аксарият иқтисодиёт таназуллга учраган даврда кўп бора амалиётда қўлланилган ва унинг самарали қўлланилиши оқибатида давлатлар иқтисодиётини тикланишига ҳамда иқтисодий ўсиш учун замин яратган. Таъкидлаш ўринлики, бугун

кунда айниқса глобал пандемия давридан сүнг давлат фискал (бюджет-солик) сиёсатини фавқулотда кузатилаётган инқироз даврида иқтисодий ўсиш учун замин яратадиган иқтисодий фаоллик қаратилған сиёсатини табдан такомиллаштириш зарурияты туғилди. Маълумки, 2020 йилда бошланған иқтисодий пандемия оқибатида 1930 йилларда ва 2007-2009 йилларда кузатилған “Буюк рецессия” инқирозидан тубдан фарқ қилған. Иқтисодий пандемия 2019 йилда бошланған “COVID-19” коронавирус билан оммавий касалланиш туфайли инсонлар билан мулоқотни вақтингачалик тұхталиши бўйича давлат сиёсатини юритиша мухим хавф туғдирди[19]. Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи хавфнинг туғилиши, алоқаларнинг чекланиши, вақтингачалик ишга чиқмаслик ҳолатлари ва корхоналар ўртасида пул оқимларининг қисқариши, ишсизликнинг ошиб кетиши каби муаммоларни юзага келтирди. Шунга мувофиқ, даромадларнинг барча манбалари бўйича қисқаришига ва сарф-харажатларнинг камайишига олиб келди, иқтисодиётнинг айниқса инсон мулоқоти ва ташрифи билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш тармоқларига харажатларнинг салмоғининг камайишига ҳамда бунинг натижасида иш жойларини йўқотишлиар ва иш ҳақининг камайишига олиб келди.

Пандемия давлат молияси соҳасидаги вазиятни янада кучайтириди, фискал ва монетар сиёсатларининг инқирозни юмшатишига қаратилған чора тадбирлари натижасида миллий иқтисодиётда нақд пуллар ва арzon кредитларни кўпайтириди ҳамда давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқарди.

Давлат томонидан олиб бориладиган фискал чора-тадбирлар, жумладан пандемия давригача солик

юкини қисқартириш ва ижтимоий маъсулиятни ошириш корона инқирози пандемиясидан азият чекканларни мақсадли қўллаб-қувватлашга қаратилған бўлиши керак. Мазкур концепция 2019 йилда бутун жаҳон иқтисодий форуми яратувчиси К.Шваб “Довосс манифести” асарида биринчилардан бўлиб илгари сурган эди. Кейинчалик мазкур китобдаги асосий ғояларини яна қайта ишлаб “Совид-19 Буюк қайта ишга тушириш” асарини яратди. 2020 йилдан янгича ёндашувда ишлаб чиқиладиган фискал сиёсат ва уни такомиллаштириш маслаларининг ўзи алоҳида тадқиқот қилиш заруриятини туғдиради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Совид-19 пандемиясини юмшатишига қаратилған давлат фискал сиёсати дунёда 1930, 1980 ва 2000 йилларда юз берган иқтисодий инқироз даврида қўлланилған чора-тадбирлардан тубдан фарқ қилиши керак.

Муаммо шундаки, олдинги назария ва амалиёт 2020 йилларнинг бошидаги назария ва амалиёт ўртасида ноаниқликлар мавжуд. Иқтисодиёт тарихий саҳнасидаги 1930 йиллардаги “Буюк депрессия”, 2008-2009 йиллардаги “Буюк рецессия” пайтида давлат томонидан турли молиявий чора-тадбирлар амалда қўлланилған ва бу асосан фонд бозори билан бевосита боғлиқ бўлган. 2020 йилда бошланған Совид-19 глобал пандемия туфайли дунё бўйича иқтисодий фаолиятни муддатсиз тўхтишига қаратилған ҳаракатлар натижасида амалда қўлланилған “Буюк карантин” қатор давлатлар иқтисодиётининг инқироз ёқасига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, 1930-йилларда АҚШларида Г.Хувернинг иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва Ф. Рузвелт томонидан “Янги курс” шаклидаги инқирозга қарши сиёсат

дастурининг Ж.М.Кейнс томонидан назарий жиҳатдан асосланиши шуни кўрсатадики, давлат харажатларини ошириш, иқтисодий цикл пасайиш фаза босқичида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётнинг ўсиш босқичида эса давлат томонидан тартибга солишини пасайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Ж.М.Кейнс фикрича инқироз даврида давлат пул ишлаб чиқарувчи станокини ишга тушириш керак, солиқлар эса автоматик равишда бюджетни барқарорлаштирувчи асосий дастак бўлиши лозимлиги таъкидланади. Бунда уларнинг вазифаси инқироз даврида солиқ юкини пасайтириши барқарор иқтисодий ўсиш таъминланганда эса ошириш лозим деб кўрсатилади.

1930 йилларда иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар назарияси 1970-1980 йилларнинг охирига келиб нефть саноатидаги шок ҳолатлар ва Бруттон Вуд тизимининг инқирозга юз тутиши кўплаб Кейнс тарафдорлари хисобланган Г.Штейн, А.Лафффер, М.Фелдстейн, М.Эванс ва бошқаларнинг “таклиф назарияси” намоёндалари тарафига ўтиб кетишига олиб келди. Улар АҚШларида 1980 йилларда юзага келган иқтисодий ўсишнинг пасайиши муаммосини ечишда ва иқтисодий инқироздан чиқиши йўли сифатида асосий ургуни солиқларга қаратиш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар. Айнан солиқ юкини пасайтириш уларнинг фикрича, иқтисодий тараққиётнинг катализатори ролини ўйнашини ва сарф харажатлар “самарали ҳукумат” концепцияси доирасида қисқартириш зарур. Таклиф қилинган чора-тадбирлар АҚШлари иқтисодий сиёсатида Рейган президентлик даврида амалда қўлланилди ва бу рейганомика номи билан тарихда қолди. Бу тадбирлар XIX аср охри ва XX

аср бошларида кўпгина мамлакатлар иқтисодий сиёсат амалиётида қўлланилди ва улар иқтисодиётининг ривожланишига туртки бўлди. Бу даврларда дунё бўйича монетаризм назарияси машҳурликка эришди. Мазкур назарияни кўзга кўринган асосчиси иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндори М.Фридмен ҳисобланган. Фридмен ўзининг асарларида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишга бўлган аралашувини минимал даражада ушлаб туриш, солиқ тортишни меъёрлаштириш ва инфляцияни жиловлашда қаттиқ пул-кредит сиёсатини юритиш таклифини илгари суради. Фридман ғояларидан руҳланган АҚШ марказий банки федерал захиралар тизими раиси П.Волкер фоиз ставкасини кўтариш ҳисобига кредит экспансиясини қисқартириш бўйича қарор қабул қилди. Бу қарор дунё марказий банкларининг инфляция даражасини мақсадли жиловлашга қаратилган монетар сиёсатнинг янгича йўналишдаги бурилиш даврини вужудга келтирди.

Таъкидлаш ўринлики, Кейнс ва монетаристлар таклиф этган ғоялар кейинчалик 2008-2009 йилларда “Буюк рецессия” инқирозидан чиқишида ҳам қўл келди. Бу даврда мамлакатлар иқтисодиётини тартибга солишда қаттиқ пул кредит сиёсати юритилди, айрим мамлакатларда эса фискал дастаклардан фойдаланишга ҳам зарурият туғилмади.

Бу соҳада дунёнинг турли давлатлари деярли тажриба ўтказдилар: саноат ва муаммоли компанияларни бюджетни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида ҳаракатланиб АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияда солиқларни оширишди ва Россияда аксинча солиқлар пасайтирилган[20]. Шундай қилиб, пул-кредит сиёсати 1980 йилларда бери анча мустаҳкам бўлиб қолди, аксинча фискал

сиёсатнинг устувор йўналишлари аллақачон ўзгара бошлади.

2021 бошларига келиб, Covid-19 пандемиясининг оғир молиявий оқибатлари ва улардан азият чеккан соҳа ва тармоқлар иқтисодиёти билан боғлиқ мавзулар тадқиқотчилар орасида жуда машхур бўлди. Жумладан, Россиядага пандемия даврида давлат молия тизимининг иқтисодиётни тартибга солишдаги фискал ва монетар ёндашувлари Farb иқтисодчилар томонидан илгари сурилган ғояларини иқтисодчи олим Е.Луцская томонидан тадқиқ этилди. Шунингдек Е.Луцская томонидан фискал ва монетар чора тадбирлари орқали глобал пандемияси инқирозидан чиқишининг ўзига хос стратегиясини ўзининг бошқа тадқиқот асарида кўрсатиб ўтади[21].

Фискал сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини айниқса глобал пандемиядан сўнг иқтисодиётни тиклашдаги ролини Л.Петрова ўз тадқиқотида батафсилроқ тушунириб беради[22]. Шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларида глобал пандемиядан сўнг фискал ва монетар чора тадбирларнинг иқтисодиётга таъсири кўплаб бир гурух иқтисодчи олимлар асарларида ва тадқиқотларида ўрганилди. Тахлил қилинган тадқиқот асарларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, глобал пандемиядан сўнг мамлакатлар иқтисодий тараққиётини таъминловчи фискал чора-тадбирларидан иқтисодиётга таъсир этишнинг энг мақбул воситаси солиқлар эканлигини аниқланди.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқотлар таяниб биз қуйидаги хулосалар чиқариш ва керакли тавсиялар ишлаб чиқиши имконини беради. Биринчидан, давлатнинг фискал сиёсати коронавирус 2020 йилда кузатилган глобал пандемия давридан сўнг жаҳон иқтисодий

муносабатлари тизимини ривожлантиришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиши тақозо этади. Бунда замонавий муаммолардан бўлган рақамли технологияга асосланган барқарор иқтисодий ўсишга ҳамда аҳолининг ижтимоий адолат ва фаровонликлари кафолатланиши керак. 2020 йилда ижтимоий йўналтирилган давлат фискал сиёсат тадбирлари фуқаролар ва бизнес вакиллари учун жуда ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Давлат молияси киритилган бундай муҳим ўзгартиришлар бозор муносабатлари қонунларига зид бўлиб эркин бозор иқтисодиётидан вақтинчалик узилишга олиб келди. Иккинчидан, 2020-2023 йилларда солиқ сиёсатини трансформациялашуви солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш шароитида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида рақамлаштириш жараёнини кучайтиришдан иборат бўлди. Хитой, Япония ва Кореяда замонавий фискал сиёсатини амалга ошириш жараёнida бу ўз амадитй тасдифини топган. Юқоридаги давлатлар билан қиёслаганда Хитойнинг давлат бюджети сарфлари нисбатан анча паст суръатда эканлигига амин бўлиш мумкин. Шунингдек, фискал чоралар натижасида қўлланилган солиқ имтиёзлари Японияга нисбатан Хитойда юқори суръатда бўлган. Бошқа мамлакатларга қиёслаганда давлат томонидан қўшимча қўлланилган фискал чора тадбирлар Япония ва Кореяда давлат бюджети тақчиллиги кузатилган. Учинчидан, давлат фискал сиёсати молиявий дастак ва воситаларидан оқилона фойдаланишининг таъсир доирасини аниқлаш, уларнинг иқтисодий ўсишга эришининг устувор йўналишларини белгилаш керак бўлади. Чунки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган



йилларга нисбатан кескин суръатларда пасайиши давлат фискал сиёсатининг айнан иқтисодий фаолликни рағбатлантирадиган механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутади. Тўртинчидан, давлат фискал сиёсати таркибий қисми бўлган солиқ сиёсатидан оқилона фойдаланишда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш дастурига мувофиқ ҳамда тармоқ корхоналари

мутаносиблигини таъминлаш мақсадида маълум давргача солиқларнинг фаолликка етакловчи усууларидан фойдаланиш керак. Бу бевосита мамлакат ишлаб чиқариш потенциал даражасининг ошишига, худудларда бозор инфратузилмасининг жадал ривожланишига ҳамда самарали бандликни таъминлашга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Второй год резкого замедления темпов роста. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/global-economic-prospects>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/5774_20.12.2022 йил.
3. Самуэльсон, П. Экономика : пер. с англ. / П. Самуэльсон. М., 1997. С. 315–316.
4. Фишер С. Экономика / С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи. – М.: Дело, 1999. – 829с. : ил.
5. Агапова, Т. А. Макроэкономика : учебник / Т. А. Агапова, С. Ф. Серёгина ; под ред. А. В. Сидоровича ; МГУ им. М. В. Ломоносова. 6-е изд., стер. М., 2004. С. 115
6. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўкув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011.
7. Monetary policy lags are commonly thought to be six to eight quarters and monetary policy is generally considered the blunter tool.
8. U.S. Congressional Budget Office, H.R. 748, CARES Act, P.L. 116-136, April 16, 2020, <https://www.cbo.gov/publication/56334>.
9. For appropriations from all legislation, see Government Accountability Office (GAO), COVID-19: Opportunities to Improve Federal Response and Recovery Efforts, Report to the Congress, GAO-20-625, June 25, 2020, <https://www.gao.gov/reports/GAO-20-625/>.
10. Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги қўмагида тайёрланди. Center for Economic Research © JICA нашриёти, Тошкент 2018; Фуқаролар учун Бюджет 2020 ЛОЙИХА Тошкент 2020 йил., https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budget_22_uz_8_BS2G3hM.pdf Бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари маълумотлари.
11. Макконнелл, К. Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика : пер. 14-го англ. изд. / К. Р. Макконнелл, С. Л. Брю. М., 2003. 683 с



12. Mankiw N. Gregory Macroeconomics. New York, Worth Publishers; Seventh edition. 2011. P. 476
13. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. М.: Дело, 1993. С. 524.
14. Курс экономической теории. / под ред. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. Киров: АСА. 1995. С 420
15. Экономическая теория: учебник для бакалавриата и специалитета / В. Я. Иохин. — 2-е изд., перераб. и доп.: Издательство Юрайт, 2019. С. 279. // ЭБС Юрайт [сайт]. С. 279 — URL: <https://biblioonline.ru/bcode/431447/p.279>
16. World Economic Outlook Update, International Monetary Fund, June 24, 2020. p. 16.
17. https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budget_22_uz_8_BS2G3hM.pdf
Бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари.
18. https://api.mf.uz/media/document_files/Budget_23_uz.pdf.
19. As dated in National Bureau of Economic Research, “ Determination of the February 2020 Peak in US Economic Activity,” June 8, 2020, <https://www.nber.org/cycles/june2020.html>.
20. Налоговые реформы. Теория и практика / под ред. И. А. Майбурова, Ю. Б. Иванова. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. 462 с.
21. Луцкая Е. Е. Монетарная и фискальная политика: дискуссии о роли в системе государственного регулирования // Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Серия 2: Экономика. Реферативный журнал. 2020. № 3. С. 37–42.
22. Петрова Л. А., Кузнецова Т. Е., Володин В. М. Сценарии развития экономик развитых стран и России в условиях постпандемии // Финансы: теория и практика. 2020. Т. 24, № 4. С. 47–57. DOI: 10.26794/2587-5671-2020-24-4-47-57.